

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА РУХШОНА ХОМИДОВНА

**МИОКАРД РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИ БИЛАН СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК
ЙЎНАЛИШ ВА ПРОГНОЗНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

УДК: 616.124.2-008.6:616.12-008.46

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мусаева Рухшона Хамидовна

Миокард ревазуляризацияси билан сурункали юрак етишмовчилиги
бўлган беморларда клиник йўналиш ва прогнозни башорат қилиш..... 3

Мусаева Рухшона Хомидовна

Прогнозирование клинического течения и исходов у больных
хронической сердечной недостаточностью при ревазуляризации
миокарда..... 21

Musaeva Rukhshona Khomidovna

Prediction of the clinical course and prognosis in patient with chronic heart
failure with myocardial revascularization..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work 40

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВА РУХШОНА ХОМИДОВНА

**МИОКАРД РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИЯСИ БИЛАН СУРУНКАЛИ
ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА КЛИНИК
ЙЎНАЛИШ ВА ПРОГНОЗНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Tib1161 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Камилова Умида Кабировна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Гадаев Абдугаффор Гадаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор Шарипов Исламжан Маматханович тиббиёт фанлари доктори
Етақчи ташкилот:	акад. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон)

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улугбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ тарқатилди.

2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.

Р.Д.Қурбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
академик

Г.У.Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлар доктори,
профессор

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) юрак-қон томир касалликларининг энг кенг тарқалган асоратларидан биридир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг маълумотларига кўра, «...барча ўлим ҳолатларининг 31 фоизи юрак-қон томир тизими касалликлари оқибатида келиб чиқади...»¹. СЮЕ ҳаётнинг фаол даврида, яъни 40-60 ёшдаги беморларда учрайди ва ўлим хавфининг ортиши, ҳаёт сифатининг пасайиши ва даволанишнинг юқори харажатлари билан боғлиқ ҳолда тавсифланади. СЮЕ ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари юқорилиги сабабли нохуш прогнозга эга, у беморлар ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва 4 маротаба ўлим хавфини оширади. СЮЕ билан касалланган беморларда тўсатдан ўлим хавфи эса 5 маротаба юқори.

Жаҳонда СЮЕ билан касалланган беморларни эрта ташхислаш, даволашга ёндашув ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. СЮЕни эрта ташхислаш ёндашувларини ишлаб чиқишда коронар томирлар зарарланишининг ангиографик хусусиятларини, клиник-гемодинамик кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни, касаллик прогнозини ўрганиш муҳимдир. СЮЕда юрак томирлари зарарланишини эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш, уларни ҳисобга олган ҳолда касалликнинг зўрайиши ва кечишини прогноз қилиш танланган йўналишни долзарблигини аниқлайди ва юқори технологияли усуллардан фойдаланган ҳолда даволашнинг замонавий ёндашувларини оптималлаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш, беморларда прогнозни яхшилаш ва ҳаёт сифатининг ижобий ўзгаришида алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида турли даражадаги сурункали касалликлар тарқалишини камайтириш ва олдини олишга қаратилган қатор вазифалар юклатилган «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳолида юрак-қон томир касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморлар сонини камайтириш имконини беради.

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари доирасида VI. «Тиббиёт ва фармакология» йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги йилларда кўп тадқиқотлар СЮЕ нинг патогенетик механизмларини ўрганиш ва даволанишни оптималлаштиришга бағишланган (Tomasoni D., 2019; Matsumoto K. 2021; Беленков Ю.Н., 2018; Арутюнов Г.П., 2019). СЮЕ ривожланишида коронар қон айланишининг бузилиши ва ремоделланиш жараёнларининг кучайиши касалликнинг зўрайиши ва салбий прогноз ривожланиши хавфини оширади (Vieira J.L. 2020; Агеев Ф.Н. 2020). СЮЕда ремоделланиш жараёнлари механизмлари ўрганилиб, даволашда дори воситаларини қўллаш учун ёндашувлар ишлаб чиқилган. СЮЕни даволашда касалликнинг мураккаб ва кўпкомпонентли генезини ҳисобга олган ҳолда, эндоваскуляр даволаш усуллари ҳам фойдаланиш зарурати асослаб берилган (Inamdar A.A., 2016; Карпов Ю.А., 2019). Миокард реваскуляризация механизмлари ва реваскуляризация усуллари танлашга ёндашувлар ўрганилган. Миокард реваскуляризациясининг яқин ва узоқ муддатли натижаларини ҳисобга олган ҳолда юрак-қон томир асоратларини эрта прогноз қилишнинг аҳамияти кўрсатилган (Рука L., 2017; Rayol S.C., 2019).

Сўнгги йилларда сурункали юрак етишмовчилиги кечиши ва прогнозида нейрогуморал ва генетик омиллар, эндотелий дисфункцияси ва юракнинг ремоделланиш жараёнларининг ўрни, бир қатор дори воситаларининг самарадорлиги асослаб берилган. Ушбу соҳада эришилган ютуқларга қарамай, даволаш усуллари танлаш ва натижалар нўқтаи назаридан уларнинг самарадорлигини таъминлаш ёндашувлари билан боғлиқ бир қатор ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. СЮЕда дори воситалари билан даволаш ва эндоваскуляр аралашувларнинг қиёсий самарадорлиги, узоқ муддатли кузатув натижалари, уларнинг беморлардаги прогноз ва ҳаёт сифатига таъсири ўрганилмаган.

Юқорида келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда клинко-ангиографик ва функционал текшириш усуллари қўллаган ҳолда касаллик клиник кечишини прогнозлаш

ва даволаш самарадорлигини ошириш илмий ишнинг зарурияти ва мақсадга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.2018.PhD.007-сон «Бухоро худуди иссиқ иклими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2017–2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади СЮЕ билан касалланган беморларда клиник – ангиографик маълумотлар ва миокард реваскуляризацияси натижалари асосида касалликнинг клиник кечиши ва прогнозини башорат қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда коронар томирларнинг ангиографик хусусиятларини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда коронар томирлар зарарланиш турларини касалликнинг кечиши ва юрак систолик функцияси билан боғлиқлигини таҳлил қилиш;

сурункали юрак етишмовчилигида касаллик зўрайиши ва нохуш прогнозининг мезонларини аниқлаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда коронар томирларни стентлаш орқали миокард реваскуляризациясининг самарадорлигини баҳолаш;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва прогнозни башорат қилишга ёндашувларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази кардиология бўлимида даволанган II-III функционал синфли (ФС) СЮЕ билан касалланган 112 нафар бемор танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида сўровномалар, клиник, визуализацион тадқиқотлар (ангиография, эхокардиография), функционал-инструментал тадқиқотлар натижалари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда клиник, инструментал, визуализацион, лаборатор ва статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда коронар артерияларнинг атеросклеротик зарарланиш даражаси ва кўп томирли зарарланиши ҳамда касалликнинг клиник кечиши ўртасидаги боғлиқлик исботланган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда коронар артериялар зарарланиш даражасининг чап коринчанинг қисқарувчанлик функцияси билан асоцирланиши аниқланган;

коронар томирларни стентлаш орқали миокард реваскуляризациясини ўтказишнинг сурункали юрак етишмовчилиги клиник кечиши, миокард

қисқарувчанлиги ва ҳаёт сифати кўрсаткичларига ижобий таъсири самарадорлиги асосланган;

сурункали юрак етишмовчилигида клиник-ангиографик нохуш предикторларга асосланиб хавф стратификацияси аниқланган ҳамда касаллик клиник кечиши ва прогнозини башоратлаш учун дастур ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

коронар томирларнинг ангиографик хусусиятлари, беморларнинг клиник ҳолати кўрсаткичлари ва юракнинг систолик функциясини аниқлаш асосида сурункали юрак етишмовчилиги нохуш клиник кечиши ва прогнозини баҳолаш мезонлари аниқланган;

сурункали юрак етишмовчилигида клиник-ангиографик ва прогностик мезонларини ҳисобга олган ҳолда индивидуаллаштирилган касаллик нохуш кечишини эрта аниқлаш ва даволашда реваскуляризация усулларини танлаб олиш бўйича алгоритм таклиф этилган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда миокард реваскуляризациясининг касаллик клиник кечиши, прогнози ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини яхшилашда самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ҳамда усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, инструментал ва статистик усуллар асосида сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касаллик кечиши ва прогнозни даволашни муқобиллаштиришнинг ўзига хослиги халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда юрак томирлари зарарланиши ва касаллик клиник кечиши, юрак қисқариш функцияси ҳамда прогноз ўртасидаги ўзаро боғлиқлигини баҳолаш миокард реваскуляризацияси самарадорлигини ҳамда касаллик клиник кечишини прогнозлаш имконини бергани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти клиник, функционал ва ангиографик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда СЮЕнинг кечиши ва прогнозининг нохуш предикторларини эрта аниқлаш беморларда даволашга замонавий ёндашувларни, асоратларни ривожланишини олдини олиш бўйича профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, шунингдек беморларни ҳаёт сифатини яхшилашга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда касалликнинг кечишини эрта прогнозлаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

миокард ревазуляризациясидан сўнг сурункали юрак етишмовчилиги бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Миокард ревазуляризациясидан сўнг сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда прогностни баҳолаш усули» мавзусида услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 8н-р/269-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда миокард ревазуляризациясидан сўнг касаллик кечиши ва прогностини яхшилаш имконини берган;

сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда миокард ревазуляризациясидан сўнг касаллик кечишини прогностлаш ва даволашга ёндашувни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика шошилнч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий маркази Бухоро филиали, Бухоро ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаларининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 4 майдаги 8н-з/88-сонли маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши сурункали юрак етишмовчилиги беморларда касалликни эрта аниқлаш, клиник кечишини прогностлаш ва даволашни оптималлаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда прогност ва даволашга ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида мавзунинг асосий аҳамиятини ёритиб берган замонавий тадқиқотлар ҳамда маҳаллий ва

жаҳон илмий адабиётининг маълумотлари баён этилган. Сурункали юрак етишмовчилигида прогнознинг аҳамияти, унга таъсир етувчи омилларнинг роли ва даволанишга замонавий ёндашув усуллари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда клиник кечишини ва прогнозини башорат қилиш методикаси**» деб номланган иккинчи бобда объектлар ва тадқиқот усуллари, шунингдек қўлланиладиган статистик усуллар тавсифланган.

Тадқиқотнинг асоси сифатида II-III ФК СЮЕ билан касалланган 112 нафар беморларни тахлили олинди. Беморлар ўртача ёши $52,52 \pm 6,21$ ёшни ташкил этди, улардан 62 (55,4%) тасини эркаклар ва 50 (54,6%) тасини аёллар ташкил этди. Барча беморлар клиник ҳолати олти дақиқалик юриш синамаси (ОДЮС), клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи (КХБШ) бўйича баҳоланди. 39 (34,8%) та беморда СЮЕ II ФС ва 73 (65,2%) та беморда СЮЕ III ФС аниқланди. Тадқиқотда беморнинг касаллик тарихи, касаллик ва ҳаётнинг анамнестик хусусиятлари, инструментал тадқиқотлар (ЭКГ, эхокардиография, коронарография) ва лаборатория синовлари мажмуаси (умумий қон тахлили, умумий сийдик тахлили, қоннинг биокимёвий тахлили: билирубин, АЛТ, АСТ, глюкоза, мочевино, креатинин, коагулограмма ва липид спектри) ҳисобга олинди. Тадқиқотдан истисно қилиш мезонлари қуйидагилар ташкил этди: анча аввал анамнезида тери орқали аралашув билан стентлаш ёки аорта-коронар шунтлаш (АКШ) амалиёти ўтказган беморлар; юрак-қон томир тизимининг оғир ёндош патологияси (аорта аневризмаси; жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи клапанлар патологияси; чап қоринчанинг (ЧК) яққол намоён бўлувчи систолик дисфункцияси (ОФчқ<35%); оғир буйрак етишмовчилиги); антикоагулянт/дезагрегантлар қабул қилишга толерант бўлмаган беморлар; бифуркацион зарарланишлар мавжуд бўлган беморлар.

Беморларда ангиографик параметрларни баҳолаш учун коронар томирларнинг селектив коронар ангиографияси «Philips Allura Centron» (Голландия) ускунасида амалга оширилди: стеноз фоизи, стенотик зарарланишлар сони, стенотик зарарланишларнинг А-В-С турлари бўйича таснифи, зарарланишларнинг жойлашуви (проксимал, ўрта, дистал) ва артерия диаметри баҳоланди.

Юрак эхокардиография (ЭхоКГ) текшируви «Vivid s6» (Норвегия) ускунасида амалга оширилди.

Беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичи Миннесота саволномаси орқали баҳоланди.

Базис даволашнинг таркиби қуйидагича бўлди: ААФ ингибиторлари – 84 % беморларга, ангиотензин рецепторлари блокаторлари – 16% беморларга, бета адреноблокаторлар – 98% беморларга, диуретиклар – 31% беморларга, спиринолактон – 62 % беморларга, эплеренон - 28% беморларга, аспирин - 98% беморларга, клопидогрель 100% беморларга, нитратлар-24 % беморларга, статинлар - 86% беморларга тайинланди.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлови Pentium-IV шахсий компютерида Microsoft Office Excel - 2013 дастурий таъминот тўплами, шу

жумладан ўрнатилган статистик ишлов бериш функцияларидан фойдаланган ҳолда, шунингдек, STATISTICA-6,0 дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Параметрик ва нопараметрик вариацион статистика усуллари қўлланилди, ўрганилаётган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик қиймати (M), ўртача квадратик оғиш (SD), ўртача қийматнинг стандарт хатолиги (m), нисбий қийматлари (% частотаси), олинган ўлчовларни ўртача қийматларни таққослашда эҳтимоллик хатолик (P) ни ҳисоблаш йўли орқали меъёрий тақсимланишни текширишда (эксцесс мезонлари бўйича) ва генерал дисперсларни тенглиги (Фишер критерийси - F) орқали олинган ўлчовларнинг статистик аҳамияти Стьюдент (t) мезони аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик жиҳатдан аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди. Сифат хусусиятлари бўйича гуруҳларни таққослаганда биз χ^2 мезонидан фойдаландик. Миқдорий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун, Пирсоннинг чизикли корреляция коэффицентини ҳисоблаш орқали корреляцион таҳлил қўлланилган.

Диссертациянинг «**Сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда клиник ва ангиографик хусусиятлари**» учинчи бобида касалликнинг кечиши, юракни ремоделланиш жараёнларига боғлиқ ҳолда клиник ва ангиографик маълумотлар таҳлили келтирилган.

Тадқиқот натижаларини таҳлиliga кўра, 97 (86,6%) та бемор анамнезида артериал гипертензия, 17 (15%) та беморда миокард инфаркти аниқланган. СЮЕ билан касалланган беморлар текширилган 55 (49%) та беморда қон айланишининг ўнг томонлама коронар тури, 27 (24%) та беморда чап томонлама коронар тури кузатилган. СЮЕ нинг II ФС ва III ФС бўлган беморларда коронар қон айланишининг ўнг тури 48,7 ва 52,1% беморларда мос равишда устунлик қилди.

1-жадвал

СЮЕ да миокарднинг қон билан таъминланиши турлари

	Ўнг	Чап	Балансланган
Умумий	55(49%)	27(24%)	31(27%)
II ФС	19(48,7%)	9(23,1%)	11(28,2%)
III ФС	38(52,1%)	15(20,5%)	20(27,4%)

Текширилган беморларнинг ангиографик тавсифига кўра, ўнг коронар артерия (ЎКА) зарарланиши 48 (42,8%) та беморда, чап коронар артерия (ЧКА) ўзани зарарланиши 20 (17,8%) та беморда, олдинги қоринчалараро шохчалари (ОҚШ) зарарланиши 32 (28,6%) та беморда ва айланиб ўтувчи шохчаси (АЎА) зарарланиши 12 (10,7%) та беморда кузатилди. Ўнг коронар артерия (ЎКА) ҳавзасида атеросклеротик зарарланишларнинг пайдо бўлиш частотасига кўра, 48 (42,8%) та беморда кузатилди. Стенотик торайиш даражаси ўртача $80,23 \pm 14,09\%$ ни, артерия диаметри (d) - $3,4 \pm 0,42$ ммни ташкил қилди. Олдинги

коринчалараро шохча (ОҚШ) ҳавзаси бўйлаб атеросклеротик зарарланишлар 32 (28,6%) та беморда кузатилган, бунда стенозик торайиш даражаси ўртача $79,84 \pm 19,47\%$ ни, артерия диаметри (d) эса $3,23 \pm 0,48$ ммни ташкил қилди. Айланиб ўтувчи артерия ҳавзачи соҳасида 12 (10,7%) та беморда атеросклеротик зарарланишлар кузатилган, стенозик торайиш даражаси ўртача $82,12 \pm 14,38\%$ ни, артерия d - $3,21 \pm 0,29$ ммни ташкил қилди. Тадқиқотда SYNTAX-Score маълумотларни қайта ишлаш усули ҳам қўлланилди, унинг кўрсаткичлари коронар артериялар жароҳатланишининг оғирлигини аниқлайди. СЮЕ билан касалланган беморларда бу кўрсаткич $10,68 \pm 5,39$ баллни, СЮЕ нинг II ФС бўлган беморларда эса $9,18 \pm 4,63$ баллни, СЮЕ нинг III ФС бўлган беморларда - $10,81 \pm 4,53$ баллни ташкил қилди.

Коронар артерияларнинг 50-70% стенозик торайиши 44 (39,3%) та беморда, 70-95% торайиш эса 60 (53,6%) та беморда кузатилди. Коронар артерияларнинг тўлиқ зарарланиши 7 (6,3%) та беморда топилди. СЮЕ билан касалланган беморларда ФС бўйича коронар артерияларнинг зарарланишлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, СЮЕ нинг II ФС бўлган беморларда КА 50-70% зарарланиши 21 (53,8%) та беморда, 70-95% зарарланиши 15 (38,4%) та беморда кузатилди. 37 (33%) та беморда 2 та қон томир зарарланиши ва 11 (8,9%) та беморда ≥ 3 КА жароҳати қайд этилди. Айланиб ўтувчи артерия ҳавзаларида, тўмтоқ қирраларнинг шохчасида ва чап қоринча шохчасида атеросклеротик зарарланишлар учраши частотаси, СЮЕ нинг ФС га боғлиқ бўлмаган ҳолда деярли бир хил эди.

Тадқиқот натижаларига кўра, СЮЕ нинг III ФС бўлган беморларда КА нинг 70-95% ли зарарланиш даражаси СЮЕ нинг II ФС бўлган беморларнинг кўрсаткичларига қараганда 1,6 марта юқори бўлиб ва 61,6% беморда кузатилган. Шу билан бирга, беморларнинг 6,9 фоизда коронар артерияларнинг тўлиқ окклюзияси кузатилган, бу кўрсаткич ҳам II ФС бўлган беморларнинг кўрсаткичларидан 1,4 барабар юқори бўлди.

Ангиографик ва клиник-функционал кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун биз СЮЕ бўлган беморларнинг клиник ҳолатини баҳоладик.

Текширувдан ўтказилган СЮЕ нинг II ва III ФС бўлган беморларда касалликнинг клиник кечишини таҳлил қилиш қуйидагиларни кўрсатди: ОДЮСнинг кўрсаткичлари мос равишда $327,7 \pm 11,6$ м ва $197,5 \pm 7,4$ метрни ташкил қилди. СЮЕ билан касалланган беморларда клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи натижалари бўйича дастлабки кўрсаткичларни ўрганишга кўра, СЮЕ нинг II ва III ФС бўлган беморларда кўрсаткичлар мос равишда $5,8 \pm 0,2$ ва $8,6 \pm 0,1$ баллни ташкил этди. Текширилаётган беморларда Миннесота сўровнома натижаларига кўра ҳаёт сифатининг умумий индекси (УИ) кўрсаткичларини таҳлилига кўра, СЮЕ нинг ФС кўтарилиши билан сезиларли даражада ўсишини кўрсатди. СЮЕ нинг II ва III ФС бўлган беморларда ҳаёт сифатининг умумий индекси мос равишда $30,1 \pm 4,6$ ва $42,5 \pm 3,7$ баллни ташкил этди.

Коронар артерия зарарланиш даражаси ва СЮЕ клиник кечиши ўртасидаги боғлиқлик таҳлил қилинганда, 50-70% коронар артериялар зарарланиши бўлган беморларда 6 дақиқали юриш синамаси $367,5 \pm 7,5$ метрни, 70-95% шикастланиш


бўлганда - $168,6 \pm 11,3$ метрни ташкил қилди. Шунингдек, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари ўрганилганда, коронар артериялар зарарланишлари 70-95% бўлганида, бу кўрсаткич $13,5 \pm 0,5$ баллни ташкил этганлиги аниқланди, бу 50-70% коронар артериялар зарарланишлари бўлган беморларнинг клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи кўрсаткичларидан 1,7 баравар юқори эди.

СЮЕ билан касалланган беморларда ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўрганилганда, ҳаёт сифатининг умумий индекси кўрсаткичлари билан коронар артериялар зарарланишлари даражаси ўртасидаги боғлиқлик қайд этилди: II ФС беморларда 70-95% коронар артериялар зарарланишида - $33,5 \pm 8,5$ балл, III ФС бўлган беморларда - $42,5 \pm 4,5$ балл қайд этилди. Ушбу кўрсаткичлар 50-70% коронар артерия зарарланиши бўлган беморларнинг кўрсаткичларидан мос равишда 1,3 мартага ($p < 0,05$) ва 1,4 мартага ($p < 0,01$) юқори бўлган.

Коронар артерия зарарланиши даражаси ва 6 дақиқалик юриш синамаси ўртасида ($r = -0,71$, $p < 0,001$) юқори даражадаги тесқари корреляцион боғлиқлик, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи ва ҳаёт сифати кўрсаткичлари ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик ($r = 0,64$, $r = 0,51$ мос равишда, $p < 0,05$) аниқланди.

СЮЕ билан касалланган беморларда чап қоринча миокардининг қисқарувчанлик фаолияти эхокардиография натижаларига кўра баҳоланди ва отилиш фракцияси (ОФ) кўрсаткичларига кўра беморлар 3 гуруҳга ажратилди: 1 гуруҳ СЮЕ бўлган беморлар ОФ сақланган $>50\%$ (СЮЕсОФ) 49 (44,6%) та, 2-гуруҳ оралиқ ОФ 40-49% (СЮЕоОФ) бўлган 37 (33%) та ва 3-гуруҳ пасайган ОФ $<40\%$ (СЮЕпОФ) 19 (16,9%) та беморлардан иборат бўлди. Бунда, СЮЕ да $>50\%$ ОФ бўлган беморларнинг 28 (71,8%) тасида II ФС ва 26 (35,6%) тасида III ФС, ОФ = 40-49% бўлган беморларнинг 11 (28,2%) тасида II ФС ва 28 (38,4%) тасида III ФС, ОФ $<40\%$ бўлган беморларнинг 19 (26%) тасида III ФС аниқланди.

СЮЕ билан касалланган беморларда ЧҚ миокардининг қисқарувчанлигини коронар артерияларнинг стеноз даражасига қараб ўрганиш шуни кўрсатдики, ОФ $<40\%$ бўлиши коронар томирлар стенози 60% дан юқори бўлган беморларда учради. СЮЕ да ОФ сақланган беморлар гуруҳида 50-70% КА зарарланишлари 53,7% беморларда, 70-95% КА зарарланишлари -38,9% беморларда, тўлиқ окклюзия -5,6% беморларда бўлиб, СЮЕда ОФ оралиқ бўлган беморлар гуруҳида 70-95% КА зарарланишлари 1,6 баравар юқори бўлиб, 61,5% ни ташкил этди (1-расм). СЮЕ да ОФ сақланмаган беморлар гуруҳида 70-95% зарарланишлар 79% ҳолларда кузатилди, бу СЮЕ да ОФ сақланган беморлар гуруҳига қараганда 2 баравар юқори ва ОФ оралиқ бўлган беморлар гуруҳига қараганда 1,3 баравар юқори бўлди.



1-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда чап қоринча қисқариш функцияси ва коронар артериялар зарарланиш даражаси билан боғлиқлик ХСН (%)

СЮЕ билан касалланган беморларда ЧҚ миокардининг қисқарувчанлигининг пасайиши коронар артерия зарарланиши даражаси билан боғлиқ эди: СЮЕнинг II ФС беморларида 50-70% коронар артерия зарарланиши кузатилганда ЧҚ нинг ОФ $55,3 \pm 4,3$ бўлиб, 70-95% коронар артерия зарарланишида ОФ - $50,9 \pm 5,3\%$, тўлиқ окклюзия бўлганда ОФ - $50,4 \pm 6,4\%$ ни ташкил қилди. III ФС беморларида 50-70% коронар артерия зарарланишида ЧҚ нинг ОФ $50,5 \pm 3,7\%$, 70-95% коронар артерия зарарланишида ОФ - $44,2 \pm 9,1\%$, тўлиқ окклюзия ҳолатида ОФ - $41,4 \pm 5,3\%$ ни ташкил қилди.

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда миокард реваскуляризацияси самарадорлигини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда беморларда миокард реваскуляризацияси самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.


Оптимал медикаментоз терапия ва миокард реваскуляризациясининг қиёсий самарадорлигини баҳолаш учун беморлар 2 гуруҳга бўлинди: биринчи гуруҳ (I) СЮЕ нинг II - III ФС бўлган 50 та бемордан иборат бўлиб, 6 ой давомида оптимал медикаментоз терапия (ОМТ) қабул қилишди; иккинчи гуруҳ (II) – СЮЕ нинг II - III ФС бўлган 62 та бемор (коронар томирларни стентлаш ўтказилган). II гуруҳ беморларда беморларнинг 96,8 фоизида тўлиқ реваскуляризацияга эришилди.

Олинган натижалар иккала гуруҳда ҳам касалликнинг клиник кечиши кўрсаткичлари ишончли даражада яхшиланганлигини кўрсатди. СЮЕ нинг II ФС бўлган I гуруҳ беморларида 6 ой даволанишдан сўнг касалликнинг клиник кечишининг ижобий динамикаси кузатилди. Бу СЮЕ нинг II-III ФС бўлган беморларда I гуруҳ беморларининг бошланғич кўрсаткичларига нисбатан жисмоний юкламаларга чидамликнинг ошиши билан бирга 6 дақиқали юриш синамаси масофасининг 22,4% га ($p < 0,01$) ва 33,2% га

($p < 0,001$) мос равишда ортиши кузатилди, ва II гуруҳ беморларида бошланғич кўрсаткичлар нисбатан 29,5 ва 48,1% ($p < 0,001$)га мос равишда ортганлиги кузатилди.

I гуруҳдаги СЮЕ II ФС бўлган беморларда 6 ойлик даволанишдан сўнг касалликнинг клиник кечишида ҳам ижобий динамика кузатилди, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи бўйича баллар йиғиндиси мос равишда $4,3 \pm 0,3$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$). II гуруҳ беморларида бу кўрсаткич $3,1 \pm 0,3$ баллни ташкил этди ($p < 0,001$). 6 ойлик даволанишдан сўнг оптимал дори билан даволаш олган гуруҳдаги III ФС бўлган беморларда клиник ҳолатни баҳолаш шкала бўйича баллар йиғиндиси $5,9 \pm 0,3$ балл ($p < 0,01$), миокард ревазуляризацияси гуруҳида эса $5,3 \pm 0,4$ балл ($p < 0,001$)ни ташкил қилди. I-II гуруҳ беморларнинг СЮЕ II ФС бўлган беморларда клиник кечиши яхшиланиши 27,7% ($p < 0,05$) ва 37,9% ($p < 0,01$) ни, III ФСда эса мос равишда 24,3% ($p < 0,05$) ва 34,6% ($p < 0,001$) ни ташкил этди.

СЮЕ нинг II ФС бўлган беморларда 6 ой давомида оптимал дори билан даволаш Миннесота сўровномаси бўйича ҳаёт сифати УИ 17,3% ($p < 0,05$) га камайди, СЮЕ III ФС бўлган беморларда 18,1% ($p < 0,05$) га мос равишда камайди (2-расм).



2-расм. II- III ФС СЮЕ билан касалланган беморларда КХБШ ва ХС УИ кўрсаткичлари динамикаси

СЮЕ билан касалланган беморларда миокард ревазуляризациясидан 6 ой сўнг, СЮЕ ҳаёт сифати УИ дастлабки кўрсаткичлар билан таққослаганда ишончли пасайиш кузатилди II ФС беморларда – 24,7% га ($p < 0,01$) ва СЮЕ нинг III ФС бўлган бу кўрсаткич 24,1% ($p < 0,01$) га пасайди.

Биринчи ва иккинчи гуруҳларда 6 ой давомида ОМТ ва коронар артерияларни стентланган беморларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ўртача қон босими 23,7 ва 25,9% ($p < 0,01$)га пасайган ва юрак уриш тезлигининг мос равишда 24,6% ($p < 0,01$) ва 24,4% ($p < 0,05$)га камайиши кузатилди.

Юрак гемодинамикаси кўрсаткичларини баҳолаш, ОМТ ва ревазуляризация ўтказилган беморлар гуруҳида ижобий динамикани кўрсатди Чап қоринча диастола ва систоладаги кўндалак ўлчамлари – охири диастолик

ўлчам (ОДЎ) ва охириг сиситолик ўлчам(ОДЎ) кўрсаткичларининг камайиши I гуруҳдаги беморларда 7,8 ва 12% (р <0,05) ни ва 2-гуруҳда 11,3 ва 13,7% (р <0,01)ни ташкил қилди, 1-гуруҳда ҳажм кўрсаткичлар - охириг диастолик ҳажм (ОДХ) ва охириг систолик ҳажм (ОСХ) кўрсаткичларининг мос равишда 20,2% (р <0,01) ва 31,2% (р <0,001) га ва 2-гуруҳда 23,1% (р <0,05) ва 35,9% (р<0,01) га камайиши кузатилди. Бу асосий кўрсаткичларга нисбатан миокард қисқарувчанлик қобилиятини сезиларли даражада яхшиланишига ва ОФнинг ошишига ёрдам берди.

ЧҚ миокардининг қисқарувчанлик кўрсаткичларига нисбатан ОМТ ва коронар артерияларни стентлаш орқали миокард ревазуляризациясини қиёсий самарадорлигини баҳолаш шуни кўрсатдики, I гуруҳдаги беморларда 6 ой давомида оптимал дори билан даволаниш кейин СЮЕ да ОФ сақланмаган беморлар 4 (8%) тани ташкил этди, бу даволанишдан дастлабки кўрсаткичларга нисбатан 2 баравар камайди (2-жадвал). СЮЕ оралиқ ОФли беморлар сони ҳам 6 ой давомида ОМТдан кейин 1,2 баравар камайди ва 14 (28%) тани ташкил этди. СЮЕ да ОФ сақланган беморлар сонининг 64% гача ўсиши кузатилди. II гуруҳда, ревазуляризациядан 6 ой ўтгач, СЮЕ да ОФ сақланмаган беморлар 1(1,6%) тани ташкил этди, бу дастлабки ва I гуруҳ кўрсаткичларидан юқори ишонарли даражада паст. СЮЕ да ОФ оралиқ беморлар 17 (27,1%) та ва СЮЕ да ОФ сақланган беморлар - 44 (70,9%) тани ташкил этди.

2-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилиги билан касалланган беморларда отилиш фракцияси кўрсаткичлари динамикаси (%)

СЮЕ	I гуруҳ (n =50)			II гуруҳ (n =62)		
	дастлабки	6 ойдан сўнг	P	дастлабки	6 ойдан сўнг	P
СЮЕсОФ	26 (52%)	32 (64%)	<0,05	28 (45,2%)	44 (70,9%)	<0,01
СЮЕоОФ	16 (32%)	14 (28%)	<0,05	23 (37,1%)	17 (27,1%)	<0,05
СЮЕпОФ	8 (16%)	4 (8%)	<0,05	11(17,7%)	1 (1,6%)	<0,001

Диссертациянинг «Сурункали юрак етишмовчилигини клиник кечишини клиник-ангиографик параметрларни ҳисобга олиб башоратлаш» деб номланган бешинчи бобида касалликнинг кечишининг нохуш мезонлари ва прогнозлаш усуллари келтирилган.

Биз кузатувда бўлган беморлар гуруҳларида 6 ойдан сўнг прогнозни баҳоладик. Натижалар шуни кўрсатдики, I гуруҳдан 10 (20%) та бемор қайта касалхонага ётқизилган, 3(6%) та беморда такрорий миокард инфаркти (МИ) ривожланган ва 1(2%) та беморда такрорий фатал миокард инфаркти (ФМИ) кузатилган. 1(2%) та ҳолатда ўлим тўсатдан ўлим туфайли содир бўлди. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, миокард

реваскуляризацияси ўтказилган беморлар гуруҳида такрорий госпитализация 2(3,2%)та ҳолатда кузатилган. Охириги нукта кўрсаткичлари бўйича иккала гуруҳ ўртасида такрорий госпитализация и ўлим кўрсаткичлари бўйича ишончли фарқ аниқланди.

Прогностик параметрларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, нохуш оқибатларга эришган беморларда жисмоний юкламага чидамлик пастлиги, коронар артерияларнинг яққол стенози (80% дан ортик) ва ЧҚ нинг ОФнинг 40% дан паст бўлгани аниқланди.

СЮЕ билан касалланган беморларда клиник, ангиографик, юрак қисқариш қобилятини ҳисобга олган ҳолда касаллик клиник кечишини башоратлаш учун дастур яратилди (3-расм). Беморларда индивидуал хавф-стратификациясини

ПРОГРАММА ДЛЯ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ПРОГНОЗА У БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ

Название медицинского учреждения:

Пациент:

Фамилия: Бекоев

Имя: Баходир

Отчество:

Пол: Мужской Женский

Дата рождения: 08.01.1959

Данные заполняющего:

Дата обследования: 28.10.2020

ФИО врача (анкетирующего): Мусаева Р.Х.

Показатели:

Основные:

Показатели теста шестиминутной ходьбы:

426-550 метров

301-425 метров

150-300 метров

Менее 150 метров

Количество пораженных сосудов:

1

2

3

Более 3

Оценка по шкале ШОКС, балл:

до 3,5

3,5-5,5

5,8-8,5

более 8,5

Степень поражения коронарных артерий:

Менее 85%

Более 85%

Показатели фракции выброса левого желудочка:

Более 50 %

50-40 %

Менее 40 %

Диаметр сосуда, мм:

Более 2,5

2,5

Менее 2,5

Инфаркт миокарда в анамнезе:

Отсутствовала

Имелась

Балл: 13

Прогноз ХСН: неблагоприятный

Риск ХСН: УМЕРЕННЫЙ

Данные для сохранения и печати:

Медицинское учреждение:

Данные пациента:

Фамилия: Бекоев

Имя: Баходир

Отчество:

Дата рождения: 08.01.1959

Пол: муж

Дата оценки: 28.10.2020

ФИО врача (анкетирующего): Мусаева Р.Х.

Прогноз ХСН: неблагоприятный

Риск ХСН: УМЕРЕННЫЙ

Завершено! Не забудьте сохранить и/или распечатать заполненную форму!

Вывод

Программа защищена авторским правом ©

3-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда прогнозни аниқлаш учун калькулятор- дастур

баҳолаш учун беҳато прогноз ва касаллик оғирлик даражасини аниқлаш мақсадида диагностик жадвал тузилди ва ҳар бир кўрсаткичнинг диагностик

қиймати ва прогностик аҳамияти ҳисобга олиб математик модель яратилди. Нохуш прогнознинг эрта предикторларини аниқлашда ҳар бир кўрсаткични прогнозга таъсир кучини ҳисобга олган ҳолда интенсив кўрсаткичларни нормалаштирувчи Байес усули асос қилиб олинди. СЮЕ билан касалланган беморларда СЮЕ прогнози аниқлаш учун энг сезгир қуйидаги белгилар аниқланди: - олти дақиқалик юриш синамаси <150 м, клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи > 8,5балл, КА зарарланишлари > 80%, томирлар диаметрининг кичиклиги <2,5 мм; 2-3 томир зарарланиши; анамнезда миокард инфаркти ўтказганлиги ва ЧҚ нинг ОФ<40%.

Дастурни қўллаш орқали олинган натижалар асосида СЮЕ билан касалланган беморларда реваскуляризация усулини танлаш бўйича алгоритм ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. СЮЕ билан касалланган беморларда миокардни реваскуляризация қилиш усулини танлаш алгоритми

СЮЕ билан касалланган беморларда медикаментоз дори билан даволанган гуруҳда ва миокард реваскуляризацияси ўтказилган гуруҳда ҳам ФС таркибида ижобий динамикага эришилди: СЮЕ нинг III ФС бўлган беморлар сони I-II ФС

бўлган беморларнинг нисбати ошиши туфайли камайди, олти дақиқалик юриш синамаси ҳамда клиник ҳолатни баҳолаш шкаласи натижаларига кўра юрак етишмовчилиги белгилари бўлмаган беморлар ҳам аниқланди. Шу билан бирга, миокард ревазуляризациясини ўтказган беморларда юрак етишмовчилиги белгилари бўлмаган беморлар сони 3,2 баробар кўп бўлиб, СЮЕ III ФС бўлган беморлар 20% гача камайди, бу стандарт дори терапиясини қабул қилаётган беморлар гуруҳига қараганда 1,5 баробар кам.

Шундай қилиб, сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда касаллик кечиши ва прогнозни башоратлаш касалликни эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштириш имконини беради.

ХУЛОСА

«Миокард ревазуляризацияси билан сурункали юрак етишмовчилиги бўлган беморларда клиник йўналиш ва прогнозни баҳолаш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Сурункали юрак етишмовчилиги II-III ФС билан касалланган беморларда коронар артерияларнинг 70-95% зарарланиши 60 (53,6%) беморда, тўлиқ окклюзия эса 6,3% ҳолларда кузатилди. 37 та (33%) беморда 2 та томир зарарланиши ва 11 та (9,8%) беморда ≥ 3 КА томир зарарланиши қайд этилди.

2. Коронар артериялар стенози даражаси СЮЕ ФСнинг ортиши, касаллик клиник кечиши ва беморлар ҳаёт сифатининг ёмонлашуви билан ассоцирланди ҳамда III ФС беморларда 70-95% зарарланиш II ФС беморларига нисбатан 1,6 марта кўп учради. СЮЕ III ФС 70-95% стеноз гуруҳи беморларида КХБШ кўрсаткичи 50-70% зарарланиш гуруҳига нисбатан 1,4 баробар юқорилиги, ҳаёт сифати кўрсаткичи эса 1,3 баробар ёмонлашгани қайд этилди. Чап қоринчанинг систолик функцияси пасайган беморларда (ОФ<40%) коронар артерияларнинг оғир даражадаги зарарланиши кўпроқ учради: 70-95% зарарланиш 79% ҳолатда аниқланди.

3. СЮЕда коронар артерияларнинг зарарланиш даражасининг касалликнинг клиник кечиши ва юракни ремоделланиш кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқ аниқланди. Коронар томирлар зарарланиш даражаси ҳамда жисмоний юкламага толерантлик орасида юқори тесқари корреляцион боғлиқлик ($r=-0,71$) ҳамда КХБШ ва ҳаёт кўрсаткичлари орасида тўғри боғлиқлик ($r=0,64$; $r=0,51$) аниқланди.

4. Сурункали юрак етишмовчилигида коронар томирларни стентлаш орқали миокардни ревазуляризация қилиш касалликнинг клиник кечиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилади: КХБШ кўрсаткичи оптимал медикаментоз даво олган гуруҳга нисбатан 1,4 марта кўпроқ камайди, $\geq 50\%$ ОФли беморлар сони 1,4 марта ошди. Ҳаёт сифати кўрсаткичи 6 ойлик мониторинги иккала гуруҳда ҳам бу кўрсаткичнинг яхшиланишини кўрсатди ва ревазуляризацияси гуруҳида унинг 24% га ишончли юқори эканлигини қайд этди.

5. Миокард ревазуляризацияси ўтказилган беморлар гуруҳида ҳам, ОМТ қабул қилган гуруҳида ҳам СЮЕ ФС таркибининг ижобий динамикасига эришилди: СЮЕ III ФС бўлган беморларнинг сони I-II ФС бўлган беморлар улушининг кўпайиши туфайли камайди. Коронар артериялар стентлаш амалиёти ўтказилган беморлар гуруҳида III ФСли беморлар 20% га камайди ва бу ОМТ қабул қилган гуруҳга нисбатан 1,5 баробар камайиши ҳамда юрак етишмовчилиги белгилари бўлмаган беморларнинг 3,2 баробар кўпайганлиги билан тавсифланди.

6. Сурункали юрак етишмовчилигида касаллик клиник кечиши ва прогнозини башоратлаш мезонларининг энг сезгир нохуш прогностик предикторлари аниқланди: коронар артерия стенозининг 80% дан ортиқлиги, I дан ортиқ коронар артерияси зарарланиши, коронар артериялар диаметри 2,5 мм дан ва ОФси 40%дан камлиги, ФС ортиши ташкил этди ва прогнозни баҳолаган ҳолда миокард ревазуляризация усулини танлаш имкони яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

МУСАЕВА РУХШОНА ХОМИДОВНА

**ПРОГНОЗИРОВАНИЕ КЛИНИЧЕСКОГО ТЕЧЕНИЯ И ИСХОДОВ У
БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТЬЮ
ПРИ РЕВАСКУЛЯРИЗАЦИИ МИОКАРДА**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Tib1161

Диссертация выполнена в Бухарском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский английский(резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Камилова Умида Кабировна доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Гадаев Абдугаффар Гадаевич доктор медицинских наук, профессор Шарипов Исламжон Маматханович доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени акад.Вохидова

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического центра кардиологии (зарегистрирована № _____). Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осиё 4. Тел./Факс (99871)237-31-57.

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2021 года.

Реестр протокола рассылки № _____ от «_____» _____ 2021 года.

Р.Д.Курбанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, академик

Г.У.Муллабаева

Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Б.Шек

Председатель научного семинара по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и значимость темы диссертации. В мире хроническая сердечная недостаточность (ХСН) является одним из наиболее распространенных осложнений заболеваний сердечно-сосудистой системы. По данным экспертов Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «... 31% всех смертей вызван заболеваниями сердечно-сосудистой системы...»¹. ХСН встречается в активном периоде жизни, у больных в возрасте 40-60 лет и ассоциирован с повышенным риском смерти, снижением качества жизни и высокими затратами на лечение. ХСН имеет неблагоприятный прогноз – высокая смертность и инвалидизация, она в 4 раза повышает риск летального исхода. Риск внезапной смерти у пациентов с ХСН в 5 раз превышает показатель лиц, не страдающих сердечной недостаточностью.

В мире ведутся ряд научных исследований, направленных на раннюю диагностику, подходов к лечению и повышению ее эффективности у больных ХСН. В разработке подходов к ранней диагностике ХСН представляется важным изучить особенности ангиографической характеристики поражения коронарных сосудов, взаимосвязь клинико-гемодинамических параметров и прогноза заболевания. Совершенствование критериев ранней диагностики поражений коронарных артерий при ХСН, прогнозирование прогрессирования и течения заболевания с учетом их определяет актуальность выбранного направления и разработка рекомендаций по оптимизации современных подходов к лечению с применением высокотехнологичных методов имеет важное значение в улучшении прогноза и качества жизни больных.

Развитие медицинской отрасли нашей страны ставит ряд задач, направленных на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, снижение и предотвращение распространения хронических заболеваний на различных уровнях среди населения «...повышение эффективности, качества и популярности медицинской помощи в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний, создание патронажной службы, поддержка здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»². Эти задачи позволят выйти на новый уровень качества медицинской помощи и снизить количество больных хронической сердечной недостаточностью, применяя современные технологии в области диагностики и лечения заболеваний сердечно-сосудистой системы среди населения.

Данное диссертационное исследование в известной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП–5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», Постановлении Президента

¹ World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2014/en/statistics.htm>; 2014

² Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года.

Республики Узбекистан № ПП-3071 от 20 июня 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данном направлении.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и техники республики. Диссертационная работа была выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан по направлению VI «Медицина и фармакология».

